

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
ТАРМОҚЛАРИГА СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БУЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА**

**«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025**

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига сұғориш технологияларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича услугбий қўлланма.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т. 2025 й. – 15 б.

Мазкур услугбий қўлланма қишлоқ хўжалиги тармоқларига сұғориш технологияларини жорий этишда давлат томонидан амалга ошириладиган қўллаб-қувватлашни илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқишига қаратилган. Сұғориш технологиялари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ўсимликлардан олинадиган ҳосилни ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Давлат томонидан сұғориш соҳасидаги илғор технологияларни татбиқ этиш ва бу соҳадаги барча фаолиятларни мувофиқлаштириш мақсадида турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланма сұғориш тизимларини жорий этишда амалга ошириладиган давлат дастурлари, уларни татбиқ қилишдаги асосий принциплар ва стандартларга асосланган амалий йўриқномаларни ўз ичига олади. Бу қўлланма қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб бораётган мутахассисларга, фермерларга ва давлат органларига усул-йўриқномаларни, тавсиялар ва қўллаб-қувватлаш механизмларини таълим беришга хизмат қиласди.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Сув ва сувдан фойдаланишга оид қонунчиллик ҳужжатлари.....	5
Умумий қоидалар.....	6
Суғориш технологияларини жорий қилиш тартиби.....	7
"Tomchi reestr" ягона реестрини шакллантириш.....	8
Назорат олиб бориш тартиби.....	10
Иловалар.....	12

КИРИШ

Хозирги кунда Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги соҳасида суғориш технологияларини жорий этиш ва уларни модернизация қилиш муҳим устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Суғориш технологияларини такомиллаштириш, хусусан, замонавий усуллардан фойдаланиш ва табиий захиралардан самарали фойдаланиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш барча соҳалар учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги суғориш тизимлари ва у билан боғлиқ технологияларнинг такомиллаштирилиши, айниқса, сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигидаги суғориш технологияларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар ва дастурлар ижросини таъминлаш, уларни тўғри жорий этиш ҳамда амалий ёрдам бериш учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа саналади.

Ушбу услубий қўлланма қишлоқ хўжалиги тармоқларига суғориш технологияларини жорий этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини амалий йўриқномалар асосида тушунтиришга қаратилган. Қўлланмада суғориш тизимларини жорий этиш учун янги технологиялардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар, давлат томонидан берилган қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари муҳокама қилинади. Ушбу қўлланма қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, фермерлар ва давлат органларига суғориш технологияларини жорий этишда ёрдам беришга хизмат қиласди.

СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993
йилдаги 837-XII-сон “Сув ва сувдан фойдаланиш
тўғрисида”ги қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача
бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг
Атроф муҳитни муҳофаза қилиш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги
фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 15.07.2019 йилдаги 587-сон
“Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб
ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий
қилиш учун озуқабоп экинлар
етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини
бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб
бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида”ги қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
23.02.2021 йилдаги 95-сон “Қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш
технологияларини жорий этиш бўйича
харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишигурувчи фермер ва дехқон хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари

қурувчи-пудрат ташкилотининг ишлаб чиқариш базаси — марказий бошқарув оғисига эга бўлиш ҳамда лойиҳа амалга оширилган ҳудудда сервис хизмати, савдо шохобчаси ташкил қилинганини ва маҳсулотлар захираси яратилганини



"Tomchi-reestr" ЯЭР — сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ишлари билан шуғулланувчи қурувчи-пудрат ташкилотларининг ягона электрон реестри

"Agro-subsidiya" ЯАТ — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига субсидия ажратиш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишнинг ягона ахборот тизими

! Сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий этиш ишларини бажариш харажатлари учун **субсидия** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар бир контурга жорий қилинган технологиянинг ҳар бир тури ҳамда суғориладиган экинларнинг бир тури учун фақат **бир марта ажратиласди**.

СУФОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРЙ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунинг




50-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув обьектларидан фойдаланувчи сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усулларини такомиллаштиришда **сув истеъмолчиларига кўмаклашиши шарт.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган маблағлар ҳисоби тегишлилиги бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг **махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.**

ерларни томчилаб суғоришга ўтказиш ва уларнинг майдонини **4 фоизга етказиши** ҳисобига қишлоқ хўжалигидаги сув истеъмолини **2 фоизга камайтириш.**

“ТОМСНІ-REESTR” ЯГОНА РЕЕСТРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Реестрни шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш тартиби



2024 йил 10 январдан бошлаб “Tomchi-reestr” қўйидаги белгиланган мезонлар асосида тегишли ҳужжатларни **онлайн тарзда** киритади.

- ташкилот томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг **расмий дилерлик гувоҳномаси**;
- солиқ қарзи ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда **солиқ ҳисоботларининг тўлиқ тақдим этилганлиги**.

Рейтинг кўрсаткичларининг асосий мезонлари:

- ✓ қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан **технологияни жорий қилиш** лойиҳа асосида амалга оширилганлиги;
- ✓ сувни тежайдиган суғориш технологияларининг қурилиш-монтаж ишлари **ўз вақтида тўлиқ** жорий этилиши;
- ✓ ҳудудларда савдо шохобчаси ташкил этиш ва сервис хизмати йўлга қўйиш;
- ✓ лойиҳани амалга ошириш учун олий маълумотли, лойиҳачи, муҳандис, агроном билан таъминлаш;

- соҳага алоқадор олий ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги;
- ташкилотлари ўртасида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш;
- технологиядан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътиrozлар мавжуд эмаслиги.

Қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингдан чиқарилиши:

ташкилотларининг тўплаган баллар йиғиндиси **60 баллдан паст бўлганда**;

ташкилотлари томонидан Сув хўжалиги вазирлигига рейтингдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида **ариза берилганда**;

лойиҳа амалга оширилган ҳудудда буюртмачилар томонидан “Tomchi-reestr” ЯЭР орқали технологиядан фойдаланиш бўйича шикоятлар ва аризалар юборилиб, ушбу камчиликлар **5 кун муддатда** бартараф этилмагандан (камчиликлар ўз вақтидан **кечикиб** бартараф этилса корхона **3 ой муддатга** реестрдан четлатилади);


тақдим этилган ҳужжатларда **хато ва камчиликлар борлиги**, шунингдек ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланганда.




**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
“Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтган қурувчи-пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичини юритади.**

НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ


Суғориши технологияларидан фойдаланиш юзасидан назорат олиб бориш тартиби



Сувни тежайдиган суғориши технологиясини жорий қилишда давлат бюджетидан субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган суғориши тизимидан **5 йилдан кам бўлмаган муддатда** мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.



Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ҳамда **жамоатчилик томонидан олиб борилади.**



Туман иши гурӯҳи экинларни суғориши мавсумида сувни тежайдиган суғориши технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан **бир ойда камида бир марта назорат олиб боради.**

- ❗ **Рағбатлантириш талабгорлардан ундирилган субсидиянинг беш фоизи миқдорида бир йилда бир марта амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўтказиб берилади.**



2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига доирасидаги мақсадли вазифалар белгиланди.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш учун томчилатиб сүфориш ва сувни тежовчи бошқа технологияларга ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини кенгайтириш белгилаб қўйилган.

!**МАЪЛУМОТ УЧУН**



- *Ҳозирги вақтда сүфориладиган ерларнинг фақатгина 1,7 фоизида томчилатиб сүфориш жорий этилган;*



- *Деҳқончиликнинг ирригацияга юқори даражада боғлиқлиги сабабли анъанавий сүфориш услубларини қўллашнинг давом этаётганлиги ҳамда иқлим ўзгариши натижасида қурғоқчиликнинг кескин кучайиши билан вазият янада мураккаблашиши мумкин;*



- *2030 йилга қадар бир гектар майдонни сүфориш учун ишлатиладиган сув сарфини 20 фоизга камайтириш;*



- *ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этиши мақсадида сүфориш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва тажриба синов тариқасида жорий этиши;*

- *республика ҳудудларида сүфоришнинг сув тежовчи тизимларидан фойдаланилиши майдонлари кенгайтирилади ва механизмлари такомиллаштириш.*

ИЛОВАЛАР

1-илова

**Сувни тежайдиган сүғориши технологияларини жорий
этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини
қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашуви туман
ишли гуруҳининг**

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

- | |
|--|
| 1. Туман ҳокими, Ишли гуруҳ раҳбари; |
| 2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари, Ишли гуруҳ раҳбарининг ўринбосари; |
| 3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи; |
| 4. "Сув етказиб бериши хизмати" ДМ раҳбари; |
| 5. Хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали
бошқарувчиси; |
| 6. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаси раиси |

**Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш
бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман ишчи гурӯҳи талабгорлар	<p>Туман ишчи гурӯҳи ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан мулоқотлар ўтказади ва келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилувчи талабгорларни аниқлайди.</p> <p>Электрон шаклда ариза бериши мумкин.</p>	Ҳар календарь йилининг 1 июлига қадар
2-босқич	Туман ишчи гурӯҳи	<p>1. Жойига чиқсан ҳолда сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси.</p> <p>2. Туман манзилли рўйхатларини шакллантиради.</p> <p>3. Барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гурӯҳининг раҳбари томонидан тасдиқланади.</p> <p>Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилади.</p>	Мурожаат этилган кунда

3-босқич	Худудий ишчи гуруҳ	<p>1. "Agro-subsidiya" ЯАТга киритилган туманлар манзилли рўйхатларини таҳлил қиласи, таклифларни жойига чиқиб ўрганади ва худудий манзилли рўйхатларни шакллантиради.</p> <p>2. Манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар "Agro-subsidiya" ЯАТга киритилади ёки Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилинади.</p>	<p>Уч кун муддатда Ҳар календарь йилининг 10 июлига қадар</p> <p>Ҳар календарь йилнинг 15 июлига қадар</p>
4-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Агентликлар	<p>Ҳудудий манзилли рўйхатларни белгиланган прогноз кўрсаткичларга мослигини таҳлил қиласи ва умумлаштиради ҳамда келгуси йилда сувни тежайдиган технологияларга субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Молия вазирлигига тақдим қиласи.</p>	<p>Ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар</p>

Пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш

СХЕМАСИ

<i>Босқичлар</i>	<i>Субъектлар</i>	<i>Чора-тадбирлар</i>	<i>Муддатлар</i>
1-босқич	Талабгорлар	"Agro-subsidiya" ЯАТ орқали электрон шаклда мурожаат қиласди.	Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишлари якунлангандан сўнг
2-босқич	Туман ишчи груҳи	1. Пудрат ташкилоти "Tomchi-reestr"дан ўтганлигини текширади. 2. Ҳисобланган субсидиянинг 50 фоизи "Agro-subsidiya" ЯАТ орқали ажратилиши холосасига электрон имзо қўяди. 3. Субсидия ажратиш тўғрисидаги холосалар расмийлаштирилгандан тегишли вазирлик ва идораларга юборилади	Беш иш куни ичида Уч иш куни ичида Уч иш кунида
3-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	"Agro-subsidiya" орқали ҳисоб-китоб қилинган суммани уларнинг тижорат банклардаги ҳисобварақларига субсидияларни ўtkазиб беради.	Ўн кун ичида
4-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги	Пахта етишириш учун жорий этилган томчилатиб ва дискрет суғориш технологиялари бўйича тақдим этилган холосалар кўриб чиқиб субсидияларни ўtkазиб беради.	Ўн кун ичида